

РАҲБАРНИНГ БАҒРИКЕНГЛИГИ – ИЖТИМОЙ ҚИЁФАСИНИ АСОСИ СИФАТИДА

Қосимов Воҳид Абдужабборович

**“ЎЗБЕКНЕФТГАЗ” АЖнинг “Молиявий комплаекс назорат департаменти”
раҳбари ўринбосари**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17522506>

Социологияда бағрикенглик шахснинг ижтимоий муҳитда шаклланган ўзига хос хусусиятларидан бири деб таъриф берилди. Бағрикенглик шахс хусусияти сифатида шахснинг турли вазият ва ҳолатларга нисбатан қабул қиладиган қарори ҳамда амалга оширадиган ҳатти-ҳаракатларида намоён бўлади.

Бағрикенглик умум башарий, жамоавий, шахсий муносабатларда намоён бўлади. Умум башарий бағрикенглик асосан қуйидагиларда акс этади; миллатлараро муносабатда, ирқлараро муносабатда, динлараро муносабатда, ёш даврларга нисбатан ва ижтимоий-сиёсий соҳадаги бағрикенгликда акс этади.

Шахснинг бағрикенглиги билвосита ва бавосита қуйидагиларга нисбатан шаклланади; ўзига нисбатан, қуршаб турган муҳитга нисбатан, оилага нисбатан, миллий тарих ва маданий бойликларга нисбатан, жаҳон тарихи ва маданиятига нисбатан босқичма – босқич ривожланиб бориб аста-секин мураккаб инсоний ҳис - туйғуларни юзага келтиради.

Раҳбарнинг бағрикенглиги унинг раҳбарлик фаолиятини ҳар бир жабҳасида акс этиб туради. Раҳбар ходимлар билан кундалик муносабатда бўлишидан тортиб то улар билан кундалик хайрлашув жараёнини амалга ошириш жараёнида қўллайдиган нутқ фаолияти ва қўл ҳаракатларида ҳам акс этади. Бағрикенглик асосан раҳбарнинг қуйидаги ҳатти-ҳаракатларида акс этади; ҳамкорлигида, кечиримлигида, шахсни ҳурмат қилишида, раҳимдиллигида, ўзгаларни қандай бўлса шундайлигича қабул қилишида, ўзгаларга ҳурмат-эътиборини йўллай олишида, ҳамдардлигида, ўзгаларни тинглай билиши каби хусусиятларида намоён бўлади.

Бағрикенглик аввалам бор раҳбарнинг онг олди фаолияти бўлиб унда раҳбар амалга ошироқчи бўлган фаолиятини фикран бош мияда яхлит акс эттириб олади сўнгра амалда онг остида ҳаракат қилади. Мазкур фикрдан хулоса қилиш мумкин-ки бағрикенглик онгли фаолият экан уни раҳбар томонидан амалга оширилишини ҳар бир ходим онгли равишда идрок этиб туради ва ўзига бўлаётган муносабатни бошқаларга бўлган муносабат билан таққослаб бораверади. Шу нуқтаий назардан ҳам раҳбар қандай даражадаги раҳбар бўлишидан қаттиқ назар биронта ҳам ходимни назаридан четда қолдирмаслиги лозим.

Бошқарув жараёнида адолатлилик қонуниятга амал қилувчи раҳбар ўз бағрикенглигини намоён этишига ҳаракат қилмайди, ходимларни ўзлари раҳбарнинг амалга ошираётган фаолиятига қараб унинг бағри кенглигига баҳо беришади. Ижтимоий психологик тадқиқотлар натижасига кўра шахснинг бағрикенглиги ҳақида ўзи эмас аксинча уни қуршаб турган ижтимоий муҳит аъзолари баҳо беришади.

Бошқарув жараёнида раҳбарнинг бағрикенглиги билвосита ва бавосита ходимлардаги тақлидчанлик асосида уларда ҳам онгли равишда бағрикенгликни шаклланишига туртки вазифасини ўтайди. Чунки раҳбар ҳатти-ҳаракатига мослашиш

орқали ходимларда тақлидчанлик ҳам юзага келиши, бошқарув психологиясида ўз исботини топган ҳақиқатлардан бири.

Раҳбар ходимларга вазифаларни тақсимои ва вазифани бажаришига қараб рағбатлантириши жараёнида ўзининг бағрикенглигини намоён этар экан уни бу фаолиятини ходимлар бевосита ва билвосита кузатиб баҳо бериб туришади. Шу сабабли ҳам раҳбар ўзининг фаолиятини доимий кузатув остида эканлигини ҳис этган ҳолда ҳаракат қилиши орқали шахсий хусусиятини намоён қилиши лозим. Раҳбарда қайси бир ижтимоий-маънавий хусусият ва у қайдаражада намоён бўлишига қараб жамоа томонида ижобий ёки салбий баҳо берилади. Мазкур баҳо асосида эса раҳбарнинг ижтимоий психологик портрети ходимлар томонидан шакллантирилади.

Раҳбарнинг бошқарув жараёнидаги бағрикенглигини намоён қилиши асосида уни бошқа бир неча ўзига хос хусусиятларига ҳам баҳо берилади. Булар қаторига ўзига ва бошқаларга бўлган муносабати, меҳрибонлиги, раҳимдиллиги, инсонпарварлиги, адолатлилиги, мулоқандманлиги каъби шахсий хусусиятларига ҳам баҳо берилиши табиий.

Ишлаб чиқариш жараёнида сиёсий бағрикенглик барча жамоа аъзоларда шаклланганлиги ишлаб чиқаришни самарадорлигининг гаровидир десак хато бўлмайди. Бағрикенгликни изоҳий луғатларда сиёсий бағрикенгликни қуйидагича таърифланади; “Сиёсий бағрикенглик - жамият сиёсий тизимида халқаро ва маҳаллий ҳуқуқий нормалар асосида турли хил сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва маданий аҳамиятга эга бўлган турли халқаро ва минтақавий, маҳаллий кўринишдаги тузилмалар, ташкилотлар, муассасалар ва бошқа юридик шахсларнинг тизимли, барқарор равишда, уларнинг бир замин, бир Ватанда олижаноб ғоя ва мақсадлар йўлида ҳамкор, ҳамжиҳат ва келишув (консенсус) асосида ишлаши, эркин фаолияти учун давлат томонидан барча шарт-шароитларни яратиб берилишидир. Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва умуминсоний қадриятлар барча инсонпарвар ва барқарор давлатлар қаторида, хусусан бизнинг мустақил мамлакатимизда ҳам сиёсий бағрикенгликни реал воқеликка айланишида ҳал қилувчи назарий ва амалий восита бўлиб хизмат қилмоқда”.

Юқоридаги тарифда маълум бўлади-ки ҳар бир раҳбарда сиёсий бағрикенглик юқори даражада шаклланганлиги орқали уни психологик портрети мукамаллигидан дарак беради. Раҳбар сиёсий бағрикенглиги асосида ўзининг инсоний хислатларини ривожланганлик даражасини намоён этиши билан бир қаторда жамиятда ёзилган ва ёзилмаган қонунларга амал қилшини ҳам бевосита намоён этади. Мисол учун “Маънавият изоҳли луғати” келтирилган қуйидаги тарифни келтириб ўтиш kifоя.

“Сиёсий бағрикенглик плюрализм асосида турли хил эътиқоддаги, турли хил фикрдаги, турли хил ғояга ва мафкурага эга бўлган, лекин халқаро ва маҳаллий ҳуқуқий нормаларга зид бўлмаган сиёсий ҳатти-ҳаракатлар ва фаолиятни амалга оширувчи шахсларнинг мамлакат миқёсида эркин фаолият олиб боришига шарт-шароитлар яратиб бериш, уларнинг жамият аъзолари билан ҳамкорлигини таъминлашдир. Сиёсий бағрикенглик диний ва миллий бағрикенглик билан баробар мавжуд бўлади. Чунки турли миллатга ва турли диний эътиқодга мансуб бўлган кишиларнинг сиёсий иродаси ҳам маълум бир жамият доирасида рўёбга чиқади.”

Бошқарув жараёнида раҳбар жамоадаги турли миллат ва турли диний эътиқодга мансуб бўлган кишиларнинг бир мақсад сари йўналтира олиши шу билан бирга уларни

этник ҳамда диний хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнида эркин фаолият олиб боришига шарт-шароитлар яратиб бериш, уларнинг жамият аъзолари билан ҳамкорлигини таъминлашда адолатли муносабатда бўлиши асосида сиёсий бағрикенглигини намоён этади.

Психология фанлар доктори профессор Э.Ғ.Ғозиевнинг комил инсон таърифи эътибор қаратадиган бўлсак “Субъективликни институционал, супер социал таркибларни ўзида мужассамлаштиришга, табиат, жамият қонунлари ҳақидаги билимларнинг соҳиби, ҳулқ-атвор тўқис, ўзлигини бизлик билан умумлаштирган, бошқа оламлар тўғрисидаги тасаввурларни кашф қилувчи донишманд зот (аллома, даҳо) комил инсон деб аталади”. Мазкур таърифдан хулоса чиқарган ҳолда айтиш мумкин-ки раҳбар ўзининг бағрикенглиги билан комил инсон даражаси эга бўлиш учун интилиши лозим бўлади.

Ўзининг бағрикенглиги билан жамоа ва жамиятда замонага муносиб раҳбар бўлиш учун раҳбарнинг психологик портрети шаклланган бўлиши лозим экан, ана шу психологик портретни мукамал бўлишида бағрикенглик асосий ўринлардан бирини эгаллаши психологлар ва социологлар ҳам амалий ҳам назарий томонидан исботлаб берилган ҳақиқатдир.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Бекмурадов М.Б. Замонавий бошқарув социологияси. Монография. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2020. – Б.223.
2. Аль-Фараби. Историко-философские трактаты. Алма Ата. 1985 год. Наука. – С.148.
3. Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент. “Янги аср авлоди”. 2016. – Б.233